

STRUCTURE OF STRESS IN ADOLESCENTS AND METHODS OF PREVENTION AND ELIMINATION

Yakhshimbekova Sayora Kamalovna

yaxshimbekova79@gmail.com

Phone: 91-775-52-79

Annotation: The article examines the occurrence and prevention of stress in adolescents, prevention of extreme situations as a pedagogical problem, symptoms of stress, physiological, psychological, personal and medical manifestations, psychocorrectional aspects of stress, types of stressful situations, their subjective complexity, experience of foreign countries, analysis of statistical data.

Keywords: Stress, emotion, adolescence, tension, correction, positive, negative, situation, affect, anger, pleasure.

ЎСМИРЛАРДА СТРЕССНИНГ ПАЙДО БўЛИШИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Яхшимбекова Сайёра Камаловна

yaxshimbekova79@gmail.com

Телефон: 91-775-52-79

Аннотация: Ушбу мақолада ўсмирларда стресснинг пайдо бўлиши ва олдини олиш бартараф этиш, экстремал вазиятга тушиб колишни олдини олиш педагогик муаммо сифатида ўрганилиши, стресс зўрикишнинг белгилари, физиологик, психологик, шахсий ва тиббий кўринишлари, стресс келиб чиқишининг психокоррекцион йўналишлари, стресли вазиятларнинг турлари, уларнинг субъектив муракабилиги, хориж мамлакатлари тажрибаси, статистик маълумотлар таҳлили юзасидан фикр юритилган.

Аннотация: В статье исследуются возникновение и профилактика стресса у подростков, предотвращение попадания в экстремальные ситуации как педагогическая проблема, симптомы стресса, физиологические, психологические, личностные и медицинские проявления, психокоррекционные аспекты стресса, виды стрессовых ситуаций, их субъективная сложность, опыт зарубежных стран, анализ статистических данных.

Калит сўзлар: стресс, ҳис-ҳаяжон, ўсмир, зўрикиш, коррекция, позитив, негатив, вазият, аффект, ғазаб, завқ.

Ключевые слова: стресс, эмоция, подростковый возраст, напряжение, коррекция, позитив, негатив, ситуация, аффект, гнев, удовольствие.

Биз фан ва технология ўта жадал суръатлар билан ривожланаётган шиддатли ва мураккабликларга тўла глобаллашув замонида яшамоқдамиз. Бу жараёнда аҳолининг бошқа қатлами вакиллари орасида ўсмир ёшлар ҳам ўзлари ҳоҳламаган ҳолда кучли руҳий толиқиши ва стресс режимида яшамоқдалар ва бу ҳолат уларда мунтазам равишда асаб зўрикишининг тўпланиб қолишига олиб келмоқда. Баъзи ўсмирлар бундай вақтларда ўзларини бошқара олмаган вазиятда атрофдагилар (ака-ука,

опа-сингил, ота-она, синфдошлар, ўқитувчилар в.х.к.)га бақириб бу ҳолатдан осон чиқиб кетишга ҳаракат қиласылар. Ўсмирлар орасыда шундайлари ҳам борки, улар ўзларининг тарбияси кучлилиги ва маданиятлилиги билан ҳаммасини ичларига ютадилар ва бу билан ўсиб келаётган саломатликларига зарар қиласылар. Тиббий нұқтаи назардан бундай вазиятларда жанжал күтариш мүмкін ва керак, этика нұқтаи назаридан эса тескариси. Бундан келиб чиқады, инсон ўзи вазиятта қараб түғри қарор қабул қилиши лозим.

Хис-түйғуларни тишиш одатда турли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Газаб, ҳасадгўйлик овқат ҳазм қилиш аъзоларини жароҳатлайди, ғам-алам эса қандли диабет касаллигини келтириб чиқаради. Агар инсон бирон нарсадан доимо қўркувда яшаса унинг қалқонсимон безлари заҳмат чекади. Асабий зўриқиши, салбий ҳаяжонлар гипертонияга, юрак фаолиятининг бузилиши ва инфарктга олиб келиши мүмкін.

Бугунги кунда ўз ҳаяжонларини, аламларини ичида сақлаб юрадиган одамларнинг саломатлиги, ўз ғазабини дарров чиқарив юборадиганларга нисбатан ёмонроқ, яъни улар юрак хуружларидан ўз хис-түйғуларини ушлаб турмайдиганларга нисбатан икки баравар кўпроқ безовта бўладилар.

Тана ва ақл ривожланиши палласининг ўтиш даври бўлган ўсмирик даврида бундай ҳиссий зўриқиши вазиятларидан чиқиб кетишнинг бошқа йўллари мавжудми? Албаттa!

Биринчидан, организмдаги ҳиссий зўриқишини фақатгина бақириш билан эмас, балки турли жисмоний машқлар билан ҳам бартараф қилиш мүмкін. Масалан, мунтазам спорт билан шуғулланиш, катта тезликда юқори қаватга күтарилиш, велосипедда учиш, ўтин ёриш ва ҳоказо.

Иккинчидан, салбий кечинмаларни ижобий ҳис-түйғулар билан алмаштириш. Энг осони психолог ва неврологларнинг маслаҳатига кўра вазиятни жиддий қабул қиласлиқ ва бу ҳолатдан кулгили бирор сабабни топиб қаҳ-қаҳ отиб кулиш керак. Бу усул ҳам организмдаги тангликни енгиб ўтишга ёрдам беради.

Учинчидан совуқ сувда юзни ювиш, муз бўлаги билан юзни артиш ва шу билан бирга совуқ сув ичиш жуда яхши чорадир.

Тўртингчидан, агар имкони бўлса ўзи ёқтирган куйни эшлишиш. Бу усул тезда агрессияни бостиришга ва кайфиятни күтаришга ёрдам беради. Оз вактдан сўнг улар ўзларини яхши ҳис қилишлари ва бўлиб ўтган воқеани эсдан чиқаришлари мүмкін.

Шундай қилиб, стресс бу – организмнинг зўриқиши ҳолати бўлиб, организмнинг унга қўйиладиган талабларига жавоб реакциясидир.

Стресс зўриқишининг белгилари:

- бирор-бир нарсада дикқатни жамлай олмаслик;
- фаолият даврида хатоликларга йўл қўйиши;
- хотиранинг ёмонлашиши;
- чарчаш ҳолларининг кўп кузатилиши;
- тез-тез гапириш;
- фикрни жамлай олмаслик;
- оғриқларнинг тез-тез пайдо бўлиши (бошда, ошқозонда, гавданинг орқа томонида)
- юқори таъсирчанлик;
- шуғулланаётган иши қувонч баҳш этмайди;
- иштаҳанинг йўқолиши;

Агар ўсмирларда зўриқиши ҳолатлари кузатилса, унинг сабабларини аниқлашимиз керак.

Стресс физиологик, психологияк, шахсий ва тиббий кўринишларга эга. Бундан ташқари ҳар қандай стресс одамни юқори даражали эмоционал танқисликка олиб келади.

Физиологик кўринишлари:

Нафас олишнинг тезланиши, юрак уришининг тезлашиши, юздаги оқариш ёки қизаришлар, кондаги адреналиннинг кўпайиши, терлаш

Психологик кўринишлар:

Психологик функциялар динамикасининг ўзгариши, кўп ҳолатларда фикрлаш қобилиятининг секинлашиши, фикрни бир жойга тўплай олмаслик, хотиранинг кучизланиши, сезиш функцияларининг камайиши, қарор қабул қилишнинг секинлашиши.

Шахсий кўринишлар:

Ишончсизлик ҳосил бўлиши, ўз-ўзини кузатишнинг камайиши, барча ҳаракатларда ҳолатсизлик ва пассивлик, ҳовлиқиши, кўркув, ҳаяжонланиш кабиларнинг кўпайиши.

Тиббий кўринишлар:

Асабийлашишнинг кучайиши, бақир-чақирлар, ҳушдан кетиш, кучизланиш, бош оғриги, уйқусизлик.

Барча ёшдаги инсонлар сингари ўсмирларда ҳам экстремал ҳолатга тушганда уларнинг эмоционал ҳолати бирдан кўтарилади. Улар бу ҳолатдан чиқиб кета олмаслигидан кўрқа бошлайдилар. Натижада улар ўзларини қўярга жой топа олмай қоладилар. Бундай ҳолат ўсиши натижасида ўсмир ўзига берилган вазифани кераклигича бажара олмайдиган ҳолатга тушади; хатолар кўпаяди, топширикларни ўз вақтида бажара олмайди. Режалаштириш ва ўз ишига тўғри баҳо бериш ҳолати бузилади. Бу воқеаларнинг барчаси салбий эмоцияларни келтириб чиқариб, ўсмирда ўз кучига ишонмаслик, ўзига тўғри баҳо бериш процесси камаяди. Бунинг натижасида у тобора кўпроқ хатоларга йўл қўя бошлайди ва стресс ҳолатига яқинлашади.

Бизнинг ҳаётимиз битмас-туганмас ҳаяжонли даврлардан иборат:

1. Инсон идроки қандайдир муаммолар билан тўқнашади.
2. Идрок бу муаммоларни ҳал қилиш учун курашади.

Агар биз бу муаммони ҳал қила олмасак, ёки кўнгилдагидек ҳал қила олмасак, тушкунлик ҳолатига тушамиз. Биз бу тўсқинликдан ўтиш учун кўплаб хатоларга йўл қўямиз. Бу хатоларнинг энг кўп тарқалганларидан бири шундан иборатки, биз кичкина муаммони ҳал этиш учун жуда катта куч сарфлаймиз ва натижада бу салбий ҳолат эмоционал танқисликни ҳосил қиласиди. Муваффакиятсизликка эътиборни кучайтириш, хато қилишдан кўрқиши иккинчи тез учрайдиган хатодир. Ўз муваффакиятларини эслаб қолиш, муваффакиятсизликни эсламаслик эса инсон психологиясига роҳат бағишлийди. Кўплаб ўсмирлар хатоларга йўл қўйилиши натижасида ишончсизлик ҳолатига тушиб қолади. Шунинг учун одамлар мактаниш каби ҳолатларни ўзида ривожлантириб фикрни ўзининг муваффакиятли ишларига қаратса, яшаш ва меҳнат қилиш осонлашади.

Стресс бу – ҳаяжонланишнинг юқори нуқтасидир. Стресс танқислиги даврида қонга адреналин қўйилади. Бу эса қўшимча куч пайдо бўлишига ёрдам беради. Психологик даражасида эса шахсни активлашишига ёрдам беради. Активлашишнинг кучайиши натижасида эмоционал қувватнинг ошиши аффект ҳолатига олиб келади.

Аффект бу ўзига хос дилдаги ҳаяжонланиш бўлиб, кучли ва нисбатан қисқа эмоционал ҳолатdir. Аффект даврида организмда жиддий ўзгаришлар ҳаракатланиши жараёнида, физиологик кўрсатмаларда психологияк реакцияларда ҳосил бўлади. Аффект иложсиз шароитда, одам кутилмаган ва хавфли воқеадан чиқиб кетиш ўйлини топмаган вақтда ривожланади. Аффект асосида эмоционал дарғазаблик ётади. Бу ҳолатда инсон организмида катта куч пайдо бўлади ва у бу кучдан халос бўлиши керак бўлади. Бу ҳолат асосан жисмоний шаклда бўлади.

Масалан: ортиқча салбий эмоциянинг кучи ўсмирларда кўпинча уларнинг сўкиниши, сабабсиз муштлашиши, айрим предметларни синдириши, йиртиши, ниманидир отиб юбориши, уриши ва бошқа воқеалар орқали чиқариб юборишга интилиши каби ҳолатлар кузатилади.

Аффект ҳолатини тушунган ҳолда уни назорат қилиш натижасида қатъиятлик тўхтаб қолиши мумкин. Лекин ўсмирлик ёшида аффект ҳолатини идрок этиш ва уни назорат қилиш ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган бўлади. Кўп ҳолатда жиноятлар аффект ҳолатида содир этилади, чунки одам тинч пайтида бундай жиноятларга хеч қачон кўл урмайди. Ўсмирлар орасида содир этиладиган жиноятлар ҳам кўпинча ушбу ҳолат билан боғлиқ. Ўсмирлар аффект ҳолатида бошқаларнинг ёрдамига ва кузатиб туришига муҳтоҷ бўладилар. Аффектнинг бошланиши ҳамма вақт стресс ҳолатdir. Шунинг

учун одам ўзини чуқур стрессгача олиб бормаслиги ва уни йўқ қилишни ўрганиши муҳим аҳамиятга эга. Бу, айниқса, ўсмирлик даврида жуда муҳим.

Умуман стресс ҳолатларига психологияр совукқон муносабатда бўлиш кераклигини таъкидлаб, совиш, жаҳлдан тушиш учун жисмоний машкларга зўр бериш керак эканлигини таъкидлаб ўтадилар, чунки жаҳл чиққандаги жисмоний машқ билан шуғуланиш икки карра фойдали экан. Унда тетиклашамиз, соғлиғимиз жойига тушади ва қаҳр-ғазаб отидан тушамиз.

Буларга қўшимча қилиб тадқиқотчи психологларнинг маслаҳатларини ҳам келтириш мумкин. Жумладан, психолог Морин Парсин қўйидагича маслаҳат беради:

Стресс ҳолатида ўзингиздаги ёмон ҳислатларни ҳис қилинг. Стрессда ўз меъёрингизни билинг, қайси нуқта сиз учун хавфли бўлишини доимо ёдда тутинг. Стресс ҳолатида сиз учун энг муҳими ва сизни ҳимоя қиласиган биринчи йўл қобилияtingиздир. Стресс вақтинчалик ҳолат, шунинг учун вазмин ва босиқ, бўлинг.

Стресс фазалари ҳар бир одамда қўйидагича кечади. Инсонда бу 3 хил кўринишда бўлади.

1. АВ нуқта стресснинг бошланиши;
2. ВС нуқта ўзингиз биладиган стресс;
3. СД нуқта стресснинг юқори чўққиси ва яна сокинлик ҳолати.

Стресс ҳолатидан чиқишининг психологияк усуллари

Сир эмаски, кундалик ҳаётда инсонларни доимо ташвишга солиб турадиган муаммолар бўлиб туради. Бундан хафа бўлиш керак эмас, чунки ҳар бир одамнинг ўзига хос муаммолари бор. Ушбу ҳаётий ҳолатларни ўсмирларга ҳам оила ва таълим муассасида тушунтириб бориш лозим бўлади. Бизни эртага нима кутяпти, буни хеч ким билмайди (яратган Оллоҳдан бошқа) ҳар доим биз режалаштирган ишлар амалга ошавермайди, лекин буни ҳамма билиши шарт эмас.

Стресс келиб чиқишининг психокоррекцион йўналишлари

Амалий психология таъкидлашича, психологик жиҳатдан соғлом бўлган ҳар бир инсон ўзининг имкониятларини, эҳтиёжларини инобатга олиб ўзининг индивидуал ҳаёт тарзини олиб боради ва бу унга стресснинг олдини олишга ёрдам беради.

Мунтазам равишда стресс ҳолатида ҳаёт кечирувчи инсон	Стрессиз ҳаёт тарзида яшовчи инсон
Сурункали стресс, ўзининг стресс сценарийсини ўзгартиришга имконият бермайди	Баъзи фаолиятда маълум бир даврларда стрессга берилади. Индивидуал стресс сценарийсини ўзгартириш имкониятига эга
Зерикарли, қизиқарсиз иш билан шуғулланади.	Қизиқарли фаолият билан шуғулланади ва шунга яраша мукофотланади.
Вақти мунтазам етишмайди, қисқа вақтда катта вазифани бажаришни ўз зиммасига олади.	Рағбатлантирувчи иш юкламасини сақлаб қолади, бунда кризис ва юкламалар сокин иш тартиби билан мувозанат сақлайди.
Мунтазам равишда нохуш ҳолатларнинг келишидан хавотирда.	Хатарли вазиятларни бартараф этишга интилади, фойдали мақсадга йўналтиради.
Ҳаёт ва фаолиятнинг фақатгина бир (масалан, фақат иш ёки шахсий ҳаёт билан) тури билан машғул ва бундан қониқмайди.	Турли соҳаларида фаолият кўрсатади ва бу уни мутлақо қониқтиради.
Вақтни мазмунли ўтказиш қийин деб хисоблайди.	Ҳаётдан завқланиб яшай олади.
Барча номуносиб топшириқларни, турли ижтимоий ролларни бажаришга рози бўлади.	Турли ижтимоий ролларни бажаришга рози бўлмайди ва интилмайди, ўзининг ҳистойгулари ва эҳтиёжларини намоён қила олади.

Хаётни тўлалигича мураккаб ва қийин вазиятлардан иборат деб ўйлайди, юмор хиссига эга эмас.	Хаётдан завқланиб яшайди, оптимистик рухда, юмор ҳисси яхши ривожланган
---	---

Позитив, конструктив фикр юритиш усуллари ва қўникмаларини ўсмирлик давридан шакллантириши

Келажакка қўрқувсиз қараш, бугунги кун билан яшаш учун, ўз муаммолари ва камчиликлари билан ўралашиб қолмаслик учун ўсмирлик давридан позитив фикрлаш қўникмаларига эга бўлиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар бир воқеанинг салбий ва ижобий томонлари мавжуд ва буни ҳар бир инсоннинг ўзи баҳолайди. Турли вазиятларда биргина далил ҳам позитив, ҳам негатив талқин қилинади. Бунда биринчи ўринда муаммонинг ижобий томонини кўриш самарали ҳисобланади. Агар фақатгина негатив ҳолатларни кўрадиган бўлсак, бу муаммонинг ечимини топиш ҳам қийинлашади. Ўсмирлар билан муаммоли вазиятларда позитив фикр юритишни ривожлантирадиган машқлар ўтказиш энг яхши ижобий самара беради. Қўйида улардан мисоллар келтирамиз:

“Менинг душманим – менинг дўстим” машқи.

Ким биландир низолашиб қолсангиз уни салбий баҳолайсиз. Сиз уни танқид қиласиз, унинг камчиликларини қидира бошлайсиз. Ҳамма айбни унга ағдарасиз ва шу билан муаммонинг ечимига конструктив (асосли) ёндашиш имконияти йўқолади.

Низоли вазиятларда фақатгина негатив томонларни кўрмасдан, балки вазиятга объектив баҳо бериш мавжуд бўлган позитив томонларни кўриш имконини беради. Бундан ташқари камчиликлар ютуқларнинг оқибатида бўлиши ва аксинча ютуқлар камчиликларга айланиши мумкин.

Бизга доим ўзимизнинг ёмон томонларимиз кўринмайди. Чунки биз ўзимизни севамиз. Лекин хаётда бизга камчиликларимизни кўрсатадиган одамни душман деб ҳисобласак, бу обрўйимизни бир поғона пасайишига олиб келади. Тоза қоғоз олинг, уни ручка билан иккига ажратинг. Қоғозни бир томонига сизни ўйлантираётган, зиддиятга сабабчи бўлаётган омилларни ёзинг. Иккинчи томонига эса худди мана шу ҳолатлардан қандай чиқишни ўз фикрларингиздан келиб чиқиб ёзинг, чунки сизнинг муаммоларингизни ўзингиз тушунган даражада ҳеч ким тушунмайди. Рўйхатингизни давом этириб салбий сифатларни ижобий сифатларга айлантириб ёзинг. Фақатгина салбий томонларни эмас балки уларнинг позитив давомини таҳлил этиб ўз баҳоингизни тутатинг.

Масалан, чап томонга сиз:

1. Ҳаётий тажриба етишмайди.
2. Мулоқотда кескин.
3. Қарор қабул қилишда шошади.

Қайд этилган сифатларни позитив маънога ўгирилганда ўнг томонга қўйидагиларни ёзиш мумкин:

1. Очиқкўнгиллик, эвристиклик, янги ишни бошлаш, янги муаммони ҳал этиш имконияти.
2. Ўзига танқидий муносабатда бўлиш, йўл қўйилган хатоларини кўра билиш.

“Вазият” машқи

Сиз ким биландир жанжаллашдингиз. Бундан кейин Сиз бу жанжалнинг фақат салбий оқибати ҳақида узоқ вақт ўйлаб юрасиз. Қандай қилиб бу хавотирни бартараф этиш мумкин. Тоза оқ қоғоз олинг ва унинг чап томонига шу низонинг салбий оқибатларини ёзинг. Сўнгра варакнинг ўнг томонига санаб ўтилган характеристикаларни позитив томонига айлантириб ёзинг.

Масалан, чап томонга Сиз қўйидагиларни ёздингиз:

1. Муаммо ечимини топмади.
2. Ўзингизни айбдор ҳис қиляпсиз, Сиз ўзингизни бундай вазиятда бошқачароқ тутишингиз керак эди.
3. Жанжаллашган одамингизни кўрган заҳоти Сизда унга нисбатан нафрат уйғонади.

Үнг томонга эса:

1. Муаммо ечимини топмади, шунинг учун бу муаммони ҳал этиш учун Сизда имконият ва вақт бор.
2. Агар ўзингизни айблаётган бўлсангиз, демак Сиз ўз камчиликларингизни кўра оласиз. Демак, Сизда ўз ижтимоий мавқеингизни такомиллаштириш учун имконият бор.
3. Сиз тирик одамсиз. Самимий бўлишингиз ва ўзингиз хоҳлаган ҳис-туйғуларни бошингиздан кечиришингиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абрамова Г.С. Практическая психология. Москва, «Академический проект», Москва, 2001.
2. Акимова М.К., К.М.Гуревич. Психологическая диагностика. Москва, 2005.
3. Бурменская Г.В., Карабанова О.А., Лидерс А.Г. Возрастно-психологическое консультирование. Москва, МГУ, 1990.
4. Дубровина И.В. Практическая психология образования. Санкт-Петербург, Питер, 2004.
5. Маленова А.Ю. Введение в профессию в схемах и таблицах. Омск, Изд-во ОмГУ, 2004.
6. Аверин В.А. Психология личности: Учебное пособие, 2-е издание.- СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2001.- 191 с.
7. Анастази А. Психологическое тестирование: Книга 2; Пер. с англ./ Под ред. К.М.Гуревича, В.И.Лубовского. - М.; Педагогика, 1982.-336 с.
8. Бурлачук Л.Ф., Морозов С.М. Словарь-справочник по психодиагностике – СПб.: Питер Ком, 1999.- Романова Е.С. Психодиагностика: Учебное пособие.- СПб.: Питер, 2005.- 400 с